



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ СОҲАСИДАГИ СТРАТЕГИК ТЕНДЕНЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

Рахманов Зафаржон Яшинович

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (*PhD*), доцент,

Инновацион ва ижтимоий-иқтисодиёт университети

ўқув ишлари бўйича проректори

e-mail: akademiya2018@gmail.com

Аннотация: ишида тижорат банклари фаолиятини ривожлантириши стратегиясига таъсир этувчи асосий тенденцияларнинг иқтисодий моҳити очиб берилган. Мазкур тенденцияларнинг банк стратегиясига таъсири нуқталари аниқ мисоллар билан аниқлаб берилган.

Калит сўзлар: тижорат банк, трансформацион жараёнлар, макропруденциал назорат, молиявий хизматлар бозордаги рақобат, молиявий инновациялар, ижтимоий омиллар.

Замонавий бошқарув назариясига кўра, иқтисодий тизимнинг трансформацияси ҳамда ривожланишнинг янги босқичига ўтиши биринчи навбатда ҳар томонлама чукур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт стратегияси асосида таъминланади. Шу ўринда алоҳида қайд қилиш зарурки, мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш борасида эътиборга молик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур хулоса тижорат банклари томонидан эълон қилинган стратегиялар, стратегик режалар, ривожланиш концепциялари ва дастурлари билан асосланиши мумкин. Шунга қарамасдан, қайд этилган ҳужжатлар таҳлили уларда илмий-методологик жиҳатдан маълум камчиликлар мавжудлигидан далолат беради. Фикримизча, ушбу камчиликларнинг аксарият қисми банк фаолиятида юз бераётган жараёнларни белгилаб берувчи стратегик тенденцияларнинг аниқ ифодаланмаслиги билан боғлиқдир. Буни эътиборга олган ҳолда, асосий стратегик тенденцияларнинг иқтисодий моҳиятига аниқлик киритишга ҳаракат қиласидан.

Биринчидан, тартибга солиш борасидаги макропруденциал назорат талабларининг қатъийлашуви ҳамда инфляциянинг прогноз кўрсаткичларига эришиш, нархлар ўсишини секинлаштириш ва жамғаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида нисбатан қатъий пул-кредит сиёсатининг олиб борилиши¹²¹ тижорат банклари фаолиятини макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги роли ва аҳамиятини оширишни талаб қиласидан. Хусусан, “G-20”гурухига кирувчи мамлакат раҳбарларининг 2015 йил Анталъя шаҳрида ўтказилган саммитида глобал тизимни ташкил қилувчи банклар учун заарларни қоплашнинг умумий имкониятлари стандарти (Total Loss-absorbing Capacity (TLAC))ни жорий қилиш юзасидан

¹²¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2022 йил 4-чораги якуни бўйича пул-кредит сиёсати шархида қайд этилишича: “Пул-кредит сиёсатини амалга оширишда асосий эътибор – иқтисодиётда нархлар барқарорлигига ва инфляция даражасини 5 фоизлик ўрта муддатли таргетига эришишга қаратилади” https://cbu.uz/upload/iblock/e71/2gnpiqz21gpfra0721161iz0bi9w5h5e/Pul_kredit_siyo sati_sharhi_2022_yil_4_chorak.pdf

таклифлар қабул қилинди¹²². *TLAC* талабларининг амалиётга жорий қилиниши икки босқичда амалга оширилиши назарда тутилган:

1 – босқич: а) талаблар 2019 йилнинг 1 январидан кучга кирган; б) *TLAC* нинг минимал кўрсаткичи рискларга тортилган активларга нисбати 16 фоизни, аммо Базель – 3 талаблари доирасида левереж коэффициенти (6 фоиздан) дан кам бўлмаслиги зарур.

2 – босқич: а) янги кучайтирилган талаблар 2022 йилнинг 1 январидан кучга кирган; унга кўра б) *TLAC* нинг минимал кўрсаткичи рискларга тортилган активларга нисбати 18 фоизни, аммо Базель – 3 талаблари доирасида левереж коэффициенти (6,75 фоиздан) дан кам бўлмаслиги зарур.

Бунда шуни таъкидлаш жозки, шакланаётган бозорларга эга мамлакатлар юрисдикцияси остидаги глобал тизимни ташкил қилувчи банклар учун 2025 йилнинг 1 январидан *TLAC*нинг минимал талабларини кўрсаткичи рискларга тортилган активларга нисбати 16 фоизни, аммо Базель – 3 талаблари доирасида левереж коэффициенти (6 фоиздан) дан кам бўлмаслиги, 2028 йилдан мос тарзда 18 ва 6,75 фоизга тенг бўлиши лозим.

Банк назорати бўйича ҳалқаро талабларига мос равишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 18 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом”га мувофиқ тизимли аҳамиятга молик банклар аниқланиб, улар фаолияти устидан мутаносиб назорат ўрнатиш ва масофадан назорат қилувчи назоратчилар (кураторлар) бириктириш, кейинги босқичда Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонунининг 38-моддаси асосида уларга нисбатан пруденциал нормативларга қўшимча устамалар (буфер) белгилаш масалалари кўриб чиқилади¹²³. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 16 февралда 1545-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Марказий банк бошқарувининг “Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарорига биноан, банкларнинг вакиллик ҳисобварағида етарли маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, банклар ўртасидаги якуний ҳисоб-китобга оид тўловлар овердрафт сифатида акс этирилиши белгилаб берилган. Шунингдек, вакиллик ҳисобварағида овердрафт юзага келган банкнинг Марказий банк ҳисоб-китоблар клиринг тизими ва Тезкор тўловлар тизими орқали операциялари вакиллик ҳисобварағида ижобий қолдиқ шакллангунга қадар тўхтатилиши қайд этиб ўтилган¹²⁴.

Иккинчидан, банк фаолиятининг анъанавий йўналишлари ҳисобланувчи кредитлаш, омонатларни жалб қилиш ва тўловларни амалга ошириш бўйича хизматлар соҳасига юқори технологик, тўлов ва бошқа турдаги нобанк ташкилотларнинг кириб келишини қўллаб-куватловчи қонунчилик нормаларидаги ўзгаришлар рақобат курашининг кескинлашуви тижорат банкларининг номолиявий хизматлар сегментига бўлган эътиборини кучайтирумокда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонунида, тўлов ташкилоти банк ҳисобланмайдиган, тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган

¹²²Principles on Loss-absorbing and Recapitalisation Capacity of G-SIBs in Resolution Total Loss-absorbing Capacity (TLAC) Term Sheet.Financial Stability Board. 9 November 2015; <http://www.fsb.org/wp-content/uploads/TLAC-Principles-and-Term-Sheetfor-publication-final.pdf>

¹²³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида https://cbu.uz/oz/press_center/news/867246/

¹²⁴ Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси <https://lex.uz/pdfs/6385885>

юридик шахс, тўлов агенти худди шундай банк ёки тўлов ташкилоти билан тўлов хизматлари қўрсатиш учун агентлик шартномасини тузган, банк ҳисобланмайдиган юридик шахс эканлиги белгилаб берилган, шунингдек, қонунинг 15-моддасида тўлов хизматлари банклар ва тўлов ташкилотлари учун рухсат этилган тўлов хизматларининг турлари доирасида тўлов агенти ҳамда тўлов субагенти томонидан қўрсатилиши назарда тутилган¹²⁵. Humans МЧЖ нинг расмий сайти маълумотларига кўра, унинг мобил иловаси (SuperApp) Uzcard, HUMO ва Humans VISA карталари ўртасидаги пул ўтказмаларини амалга ошириш, Humans ягона ҳисобварафида сақланаётган пул маблағлари қолдиғи учун йиллик 35 фоиз ҳисобидан қунлик кешбэк олиш, Россия-Ўзбекистон ўртасидаги пул ўтказмаларини амалга ошириш ва бошқа хизматларни қўрсатиш имкониятини беради¹²⁶. Шу билан бир қаторда, 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб, мобил алоқа операторлари, тижорат банклари ҳамда тўлов тизимлари операторларига ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда ўзларининг мобил иловалари орқали Ягона порталдаги электрон давлат хизматларини (my.gov.uz) қўрсатишга рухсат берилган¹²⁷.

Учинчидан, марказий банкларнинг рақамили валютасини муомалага кириш бўйича тадбирларнинг фаоллашуви ва тақсимланган реестр технологияларига асосланган молиявий инновацияларни жорий борасидаги муваффақият ва муваффақиятсизликлар тижорат банклари фаолияти учун тизимли рискларни юзага келтириши мумкинлиги. Хусусан, 2018 йилдан ўз фаолиятини бошлаган Mangu.uz электрон платформаси маълумотларига кўра, “Mangu” пикселлари мураккаб криптовалюталардан фарқ қилиб, шахси аниқ субектлар билан шартнома асосида амалга ошириладиган, кафолатланган, ошкора ҳаракатланувчи, содда ва янгича криставалюта тизимини маҳаллий шароитда синовдан ўтказиш ва ўз атрофига хорижий инвестиция маблағларини жалб этиш мақсадида “пул эквиваленти” сифатида яратилган. Таъкидланишича, юридик жиҳатдан “Mangu” pixel лари электрон облигациялар ҳисобланади ва пул эквиваленти сифатида фойдаланиши мумкин. “М” тангаси ичida саноғи аниқ – қайта эмиссия қилинмайдиган ҳар бирининг нархи 1000 сўм бўлган 1 017 125 дона ўзгармас pixel жойлашган¹²⁸.

Юқорида келтирилган тенденциялар билан бир қаторда, яна бир муҳим хусусиятни эътиборга олиш лозим бўлади. Бу тижорат банклари фаолиятининг ташқи муҳити сифатида кўриб чиқиладиган глобал ва миллий иқтисодиёт кўп жиҳатли эканлиги билан боғлиқ. Ташқи иқтисодий муҳит фақат ЯИМ ҳажмини ўзгариши орқали баҳоланиши мумкин эмас, бундан ташқари нархлар индекси ва инфляция даражаси, аҳоли даромадлари динамикаси ва диспропорциялар, молия-кредит механизми фаолияти, ташқи иқтисодий алоқалар ва бошқа кўплаб умумлаштирувчи қўрсаткичлар ҳамд жараёнлар ҳисобга олиниши лозим. Айни пайтда иқтисодий ривожланиш динамикасига давлат сиёсати ва маънавият (фан, таълим, маданият, этика ва идеология) омилларининг таъсири диққат эътибор марказида бўлиши лозим.

¹²⁵ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.11.2019 й., 03/19/578/3986-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон; 21.04.2022 й., 03/22/765/0332-сон. <https://lex.uz/docs/4575786>

¹²⁶ Шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация тармоқларини эксплуатация килиш ва хизмат қўрсатиш лицензиясига эга бўлган Humans МЧЖ расмий сайти маълумотлари асосида <https://humans.uz/uz/>

¹²⁷ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги https://aza.uz/tizhorat-banklariga-mobil-ilovalari-orgali-davlat-xizmatlari-korsatishga-ruxsat-beriladi_401849? маълумотлари асосида

¹²⁸ <https://mangu.uz/> маълумотлари асосида тайёрланган.



Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодий трансформациялаш жараёнлари фаол тарзда бораётган шароитда банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясида рўй бериши мумкин бўлган турли табиатли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўра олиш билан бир қаторда, банк ва унинг фаолиятини тартибга солиш тизими, молиявий хизматлар бозоридаги рақобат муҳити, аҳолининг молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжининг ўзгариб бориши каби омилларнинг таъсири ўз ифодасини топиши зарур.